ISSN:3030-332X
Impact factor: 9,493
International journal of scientific researchers

РОССИЯНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ГЕОСИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРГА ТАЪСИРИ

Ражабов Жавоҳирбек Сафар ўғли
мустақил тадқиқотчи

Кириш

Сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақаси Россия ва бир қанча йирик давлатлар ўртасидаги геосиёсий қарама-қаршилик майдонига айланди, уларнинг ҳар бири сиёсий, иқтисодий ва ғоявий таъсир орқали ўз миллий манфаатларини амалга оширишга интилмоқда. 2022 йилдан кейинги воқеалар, жумладан, Украинадаги қуролли конфликт ва Россияга қарши санкциялар босимининг кучайиши давлатлар орасида муносабатларда катта ўзгаришга олиб келди. Хусусан, Россия иқтисодий ричаглар, ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик ва маданий-тарихий алоқалардан фойдаланиб, Марказий Осиё давлатларига нисбатан ўз таъсир доирасини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Россия Марказий Осиё давлатлари учун энг йирик савдо ҳамкорларидан бири ҳисобланади. 2023 йилда Россия ва минтақа 4 мамлакатлари ўртасидаги товар айланмаси рекорд даражада **56,2 млрд АҚШ долларига етди.** Айниқса, Қозоғистон (26 млрд доллар) ва Ўзбекистон (9,9 млрд доллар) билан савдо муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари, Россия ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик орқали Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаб, ҳарбий базаларни жойлаштириш, қўшма машқлар ўтказиш ва ҳарбий техника етказиб бериш каби амалий ҳамкорликларни олиб бормоқда. Бунда **Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти** (КХШТ) доирасида Россия ўзи учун ҳарбий-сиёсий ҳаракатларни мувофиқлаштириш майдонини яратиб, Марказий Осиё мамлакатларининг хавфсизлигини таъминлашда маълум даражада роль ўйнамоқда.

Шунингдек, Россия ўз таъсирини кучайтириш мақсадида рус тилини тарғиб қилиш, таълим дастурлари ва маданий алмашувларни ўз ичига олган умумий тарихий асос ва рус тилида гаплашадиган аҳолидан фойдаланган ҳолда Марказий Осиё давлатлари билан маданий-гуманитар алоқаларни сақлаб қолмоқда. Шу туфайли, Россиянинг Марказий Осиёга нисбатан олиб бораётган ташқи сиёсатини тадқиқ этиш орқали уларнинг айнан қайси соҳаларда минтақадаги ўрнини кучайтиришга ҳаракат қилаётганини, қайси инструментлардан фаол тарзда фойдаланаётганлигини ўрганиш, шунингдек, уларнинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсатини таҳлил қилиш орқали Марказий Осиё мамлакатларининг халқаро миқёсдаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Юқоридаги тенденцияларни таҳлил қилган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, Марказий Осиёдаги Россия манфаатлари минтақа давлатларининг ташқи сиёсатини самарали ва ўз миллий хавфсизлик концепцияларидан келиб чиқиб амалга оширишда қуйидаги масалаларни тадқиқ қилиш долзарб бўлмоқда:

биринчидан, Украинадаги уруш ва дунё тартиботи трансформацияси шароитида Россия Марказий Осиёнинг стратегик ҳудуд, хомашё ресурси, транзит йўлаги ва муҳим ҳамкор сифатида аҳамияти ортиб бормоқда;

иккинчидан, глобал геосиёсий беқарорлик шароитида Россия томонидан кучли сиёсий босим бўлиш хавфи мавжуд;

учинчидан, Россиянинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатларини салбий оқибатларининг олдини олиш, юмшатиш ёки бартараф этиш учун МО давлатлари яхлит бир минтақа сифатида ҳаракат қилишига зарурият туғилмоқда;

тўртинчидан, Россияга нисбатан қўлланилаётган санкциялар минтақа давлатларини, шу жумладан, Ўзбекистонни янги ҳамкор ва бозорлар излашга ундамоқда.

Марказий Осиё бўйича Россия сиёсатининг концептуал асослари

Марказий Осиё XX аср 90 йиллари бошида ташкил топган нисбатан янги геосиёсий минтақа ҳисобланади. Минтақанинг кенгайиши ва қисқариши, шунингдек, унинг ривожланиш босқичи

ҳамда халқаро муносабатларда яхлит организм сифатида иштирок этишида нафақат ички жараёнлар ва омиллар, балки ташқи кучлар таъсири ҳам катта аҳамиятга эга. Марказий Осиё, жумладан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон, узоқ вақт давомида Россия ташқи сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб келган. 1991 йилда Совет Иттифоқининг парчаланиши Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамиятини оширди.

Умуман олганда, Россиянинг Марказий Осиё бўйича ташқи сиёсати бир қатор геосиёсий назариялар таъсирида шаклланган. Бунда қатор 18 олимлар илгари сурган концепциялар минтақанинг Россия учун аҳамиятини белгилаб берган. Хусусан, **“Евроосиёчилик”** концепциясига кўра, Марказий Осиё Ғарб таъсирига қарши туриш учун Россия ва қўшни давлатларни бирлаштирувчи “Евроосиё ҳудуди”нинг бир қисми сифатида кўрилади. Ушбу концепция тарафдорлари сифатида Л.Гумилев (“пассионаризм”), А.Дугин (“евроосиё ядроси”), В.Цимбурскийларни (“лимитрофа”) келтириш мумкин.

Шунингдек, **“Яқин хориж”** назарияси ҳам мавжуд бўлиб, С.Караганов (“стратегик таянч”), А.Казанцев (“янги катта ўйин”), Т.Шаклеиналар мазкур назарияни илгари суради. Ушбу концепцияда Марказий Осиё постсовет ҳудудининг бир қисми сифатида кўрилиб, Россия тарихий ва ҳуқуқий таъсирга эга эканлиги таъкидланади. Шу билан бир қаторда, **“Кўп қутблилик”** концепцияси ҳам Марказий Осиёни қамраб олиб, унда минтақа кўп қутбли дунёни шакллантиришда муҳим қисм эканлиги таъкидланади. Мазкур концепция асосчилари сифатида Е.Примаков, А.Воскресенский ва Д.Тренинларни айтиш мумкин.

2000 йилда В.Путин ҳокимиятга келганидан сўнг Россия Марказий Осиёни ўзининг яқин ҳамкор минтақаси ва стратегик манфаатлар ҳудуди сифатида кўра бошлаб, минтақадаги таъсирини тиклашга киришди. Бу даврда Россиянинг минтақавий сиёсатида хавфсизлик масалалари устувор аҳамият касб эта бошлади. Бу, айниқса, 2001 йил 11 сентябрь воқеалари ва Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар натижасида кучайган террорчилик таҳдидлари билан боғлиқ эди.

Бу даврда Россия хавфсизлик соҳасида **икки томонлама келишувлар** орқали минтақа устидан минимал назоратни сақлаб қолишга эътибор қаратди. Хусусан, 1992 йил 15 майда Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома имзоланди, ушбу шартнома, кейинчалик, КХШТ учун асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу ташкилот таркибига Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон кирган. Бу шартнома Россиянинг ҳарбий мавжудлигини сақлаб қолиш ва ислом экстремизми ҳамда наркотрафик каби янги таҳдидларга қарши курашишга бўлган интилишини акс эттирди.

2010 йилларнинг ўрталарида Россия Марказий Осиё билан алоқаларни мустаҳкамлаш учун **иқтисодий интеграцияга** устувор аҳамият беришни бошлади. 2014 йил 29 майда имзоланиб, 2015 йил 1 январда кучга кирган **Евроосиё иқтисодий иттифоқи** (ЕОИИ) бу йўналишдаги асосий қадам бўлди. ЕОИИ Россия, Қозоғистон ва Қирғизистонни (2015 йилда қўшилган) ўз ичига олган ҳолда ягона иқтисодий маконни шакллантирди, у ерда товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучи эркин ҳаракат қилиши белгилаб қўйилди.

2023 йилда қабул қилинган Россия Федерациясининг **ташқи сиёсат концепциясида** Марказий Осиё биринчи марта тилга олинди ҳамда қуйидаги мақсадлар устуворлиги таъкидлаб қўйилди:

• тарихий алоқаларни мустаҳкамлаш-бунда Россия Марказий Осиёни ўзининг маданий ва тарихий маконининг бир қисми деб ҳисоблайди.

• хавфсизликни таъминлаш-бунда Афғонистондан кириб келадиган терроризм, наркотрафик ва экстремизмга қарши кураш масаласи ётади.

• иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш-бунда Марказий Осиёнинг Россияга иқтисодий боғлиқлигини кучайтириш мақсадида ЕОИИ каби интеграциявий лойиҳаларни ривожлантириш белгиланган.

• минтақага ташқи кучлар таъсирини камайтириш-бунда Марказий Осиёда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва АҚШ ҳамда Хитойнинг таъсирига қарши туриш устувор вазифа этиб белгиланган[1].

Юқоридаги ҳужжатдан ташқари, Россия Марказий Осиёга тааллуқли қатор концептуал ҳужжатлар ҳам қабул қилган. Жумладан, 2000-, 2008-, 2013- ва 2016-йиллардаги **Ташқи сиёсат концепциялари**, шунингдек, 2014 йилги РФ **ҳарбий доктринаси**, 2021 йилги **Миллий хавфсизлик стратегияси** ҳамда 2019 йилда қабул қилинган **Энергетика хавфсизлиги доктринасини** айтиш мумкин. Бундан ташқари, Россиянинг минтақа давлатлари билан яхлит ҳамда алоҳида имзоланган ҳужжатлари мавжуд бўлиб, Марказий Осиёнинг деярли барча давлатлари Россия билан иттифоқчилик шартномасига эга эканлигини кўриш мумкин. Фақатгина Туркманистон иттифоқчилик шартномаси имзоламасдан, стратегик шерикчилик шартномаси билан чекланган.

Россиянинг Марказий Осиё бўйича сиёсатининг концептуал асослари тарихий алоқалар, ҳарбий қудрат, иқтисодий интеграция ва уйғунлигига асосланган. 2016 йилги Ташқи сиёсат концепцияси, Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ва ЕОИИ бўйича келишув каби асосий ҳужжатлар Москванинг стратегик қарашларини акс эттиради. Ушбу қарашларга кўра, Марказий Осиё Россия таъсир ва хавфсизлик зонаси сифатида қаралади.

Марказий Осиёга нисбатан Россия ташқи сиёсатининг эволюцияси

Марказий Осиё халқаро муносабатларда кўплаб акторларининг қизиқишига сабаб бўлаётган минтақа ҳисобланади. Минтақада давлатларнинг шаклланиши 1990 йилларга келиб якунланиб, айнан шу даврдан бошлаб йирик давлатлар таъсир доирасининг асосий қизиқиш объекти бўлиб келмоқда. Дастлаб минтақадаги асосий ташқи куч сифатида Россия кўрилган. Россиянинг Марказий Осиё бўйича сиёсатини ўрганишда илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Москванинг минтақага нисбатан сиёсати ривожланиши бир томонлама жараён эмас, балки кўпроқ Россиядаги ички ўзгаришларга ҳамда минтақанинг доимий тарзда ўзгараётган геосиёсий вазиятига мослашув натижасида шаклланишини кўриш мумкин. Бунда Россиянинг минтақадаги сиёсатини **тўрт даврга** бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биринчи давр–Марказий Осиёга нисбатан аниқ бир сиёсатнинг йўқлиги (1990 йиллар боши). Совет Иттифоқи парчаланганидан кейинги дастлабки йиллар Москвада Марказий Осиёга нисбатан аниқ ва изчил сиёсатнинг мавжуд эмаслиги билан характерланади, бу ҳолат Россиядаги ички ва ташқи омиллар мажмуаси билан боғлиқ эди. Жумладан, чуқур мафкуравий ўзгаришлар, сиёсий ноаниқлик, мамлакат ичидаги жиддий иқтисодий инқироз ҳамда минтақага нисбатан эътиборнинг сусайиши шулар жумласидандир. Россиянинг айрим сиёсий доираларида Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатлари мамлакатнинг модернизация ва Ғарб билан интеграция бўйича саъй-ҳаракатларига тўсиқ ва юк бўлиши ҳақида фикр устувор эди. 1990 йиллар бошида Россиянинг Марказий Осиёга нисбатан дастлабки муносабати унинг асосий эътибори ички ислоҳотларга ва Ғарб билан яқинроқ алоқалар ўрнатиш эҳтимолига қаратилгани билан изоҳланади. Бу давр Марказий Осиёдаги янги давлатларга ўз мустақил ташқи сиёсий йўналишларини шакллантириш имконини берди.

Иккинчи давр–минтақага эътиборни қайтиши ва Примаков доктринаси (1990 йиллар иккинчи ярми). Мазкур доктрина Россиянинг аввалги Ғарб йўналишини қайта кўриб чиқиши натижасида юзага келган бўлиб, Россиянинг яқин қўшни ҳудудларда, жумладан, Марказий Осиёда ҳам йирик таъсир маркази сифатидаги ролини тиклашга қаратилган эди. Примаков доктринаси кўп қутбли жаҳон тартибини муҳим деб билади ва дунёдаги йирик геосиёсий ўйинчилар бўлган Россия, Хитой ва Ҳиндистон ўртасида кучлар мувозанатини таъминлаш орқали АҚШнинг эҳтимолий яккахокимлигини мувозанатлаштиришни кўзлайди. Марказий Осиё ушбу доктрина доирасида Россиянинг яқин хорижий қўшниси сифатида белгилаб олинган бўлиб,

[1] Указ Президента Российской Федерации Об утверждении Концепции внешней политики Российской Федерации от 30.11.2016 г. № 640 - http://www.kremlin.ru/acts/bank/41451

минтақада Россия таъсирини сақлаш ва мустаҳкамлашга янада кўпроқ эътибор қаратилишини англатар эди.

Учинчи давр-Россиянинг Марказий Осиё ички ишларига аралашувининг кучайиши (2000-2010 йиллар). Россия президенти В.Путиннинг 2000 йили ҳокимиятга келиши Москванинг Марказий Осиёдаги сиёсатида янги босқични бошлаб берди. Россия Марказий Осиёда ислом экстремизми ва Ғарб аралашуви деб баҳоланган таҳдидларга қарши кураш шароитида Марказий Осиё давлатлари билан яқин алоқаларга киришни бошлади. Бу даврдаги сиёсатнинг муҳим жиҳати Россия бошчилигидаги кўп томонлама ташкилотларни мустаҳкамлаш орқали стратегик интеграцияни кучайтириш бўлди. Хусусан, хавфсизлик соҳасида КХШТ ва иқтисодий соҳада ЕОИИ асосий платформа сифатида хизмат қилди. 2003-2007 йиллар давомида Россия ва Марказий Осиё ўртасидаги савдо айланмаси уч баробарга ошди. В.Путин даврида Россиянинг Марказий Осиёдаги сиёсати анча мақсадли ва фаол шаклда амалга оширила бошланди.

Тўртинчи давр–Украинадаги урушнинг Марказий Осиё сиёсатига таъсири (2022 йилдан кейинги давр). Россиянинг Марказий Осиёдаги таъсири ва нуфузи уруш натижасида сезиларли даражада пасайди, бу эса унинг ҳарбий имкониятларига чекловлар ва маълум даражада иқтисодий ресурслар танқислигига сабаб бўлди. Марказий Осиё давлатлари кўп векторли ташқи сиёсатни амалга оширишда янада қатъиятли ҳаракат қилишни бошлади. Улар Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи ва Туркия каби халқаро акторлар билан ҳамкорликка тайёр эканини намоён этиб, ўз шерикларини диверсификация қилиш ва Россияга боғлиқликни камайтиришга интилмоқда. Қизиғи шундаки, Марказий Осиё Россия учун янада муҳим ҳудудга айланди, чунки у Ғарб санкцияларини четлаб ўтиш ва савдо йўналишларини анъанавий Европа бозорларидан бошқа ҳудудларга йўналтириш учун асосий канал бўлиб қолмоқда. Украинадаги уруш Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг кучайишига олиб келди.

Украинадаги уруш Марказий Осиёда минтақавий кучлар мувозанатидаги ўзгаришларни тезлаштирган муҳим омилга айланди. Россиянинг минтақада хавфсизлик кафолатчиси сифатидаги нуфузи заифлашди, айниқса, у Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги чегара тўқнашувлари каби Марказий Осиёдаги давлатлараро низоларга самарали аралаша олмаганлиги бунга мисол бўла олади. Бу ҳолат эса Марказий Осиё давлатларини хавфсизлик соҳасида Хитой ва Туркия каби бошқа ҳамкорлар билан фаолроқ ҳамкорликни ривожлантиришга ундади. Шу билан бирга, Хитойнинг минтақадаги иқтисодий таъсири ортиб бормоқда ва бу **“Бир камар- бир йўл”** ташаббуси билан янада мустаҳкамланмоқда.

Ҳозирги кунда Россиянинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсати Украинадаги уруш ва минтақада кучлар мувозанати ўзгариши натижасида юзага келган ҳамкорлик ҳамда рақобатнинг мураккаблиги билан характерланади. Россия сиёсатининг муҳим воситаларидан бири КХШТ бўлиб қолмоқда. У ўз манзилига нисбатан бир қатор муваффақиятсизликлар ва танқидларга қарамасдан, Россиянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳарбий-сиёсий ҳамкорлиги учун платформа вазифасини бажаришда давом этмоқда.

Иқтисодий жиҳатдан Россия Марказий Осиё мамлакатлари учун муҳим савдо ҳамкори бўлиб қолмоқда, айниқса, энергетика ва озиқ-овқат таъминоти соҳаларида буни кўриш мумкин. ЕОИИ маълум муаммолар ва танқидларга дуч келаётган бўлса-да, Россия билан айрим Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида иқтисодий алоқаларни қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнамоқда. Хулоса қилиб айтганда, Россиянинг минтақадаги сиёсати тўрт даврга бўлиниб, бунда 1990 йиллар бошида Марказий Осиёга нисбатан аниқ стратегиянинг йўқлиги, ҳокимиятга В.Путин қайтганидан сўнг Россиянинг минтақага эътибори кучайиши, постсовет давлатлари билан ташкилот доирасида бирлашишга ҳаракатнинг бошланиши, 2000 йиллар ўрталаридан бошлаб Россиянинг минтақада ҳар томонлама таъсирга эга бўлишга уринишлари, 2022 йилда Украина конфликти бошланиши билан Марказий Осиёдан санкцияларни четлаб ўтиш, ҳомашё захираси манбаи сифатида фойдаланиш мақсадида алоқаларни янада кучайтириш каби воқеаларни айтиш мумкин.

Замонавий босқичда Марказий Осиё бўйича Россия сиёсатининг таҳлили

Украинада уруш бошланганидан бери турли таҳлилий марказлар Россиянинг Марказий Осиёдаги таъсири пасайиб бораётганини таъкидловчи кўплаб материалларни эълон қилди. Ушбу манбаларда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Россияни қўллаб-қувватламагани ва санкциялар режимига риоя қилишга интилишгани алоҳида қайд этилади. Таҳлилларга кўра, 2022 йил февраль ойида Россиянинг Украинага тўлақонли ҳужуми минтақавий геосиёсатни жиддий ўзгартирди ва Москва мавқеига салбий жиҳатдан таъсир кўрсатди. Бундан келиб чиқадики, Марказий Осиё давлатлари Украина можаросига нисбатан бетараф позицияни сақлаган ҳолда Россия ҳаракатларини қўллаб-қувватлашдан тийилиб, Ғарб санкцияларига амал қилишни маъқул кўрмоқда. Ушбу нейтралитет расмий Москва сиёсатига нисбатан эҳтиёткорлик билан масофа сақлаш ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида Россияга нисбатан ишонч пасайганини акс эттирувчи ҳолат сифатида талқин қилинмоқда. Шу билан бирга, 2022–2023 йилларда минтақа давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича бир қатор икки томонлама битимлар имзоланди[2].

Хусусан, 2023 йил ноябрь ойида Россия ва Қозоғистон ўртасида **уч йиллик ҳамкорлик** режаси тасдиқланди[3]. Марказий Осиё Россиянинг муҳим ташқи савдо ҳамкори бўлиб, сўнгги икки йил ичида унинг аҳамияти кескин ошди. G7 ва Европа Иттифоқи томонидан Россияга нисбатан жорий этилган савдо ва молия чекловлари Россия ташқи савдосининг бир қисмини Марказий Осиё мамлакатларига йўналтиришга олиб келди. Ушбу минтақа Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва Жанубий Кавказ билан бир қаторда Россия учун транзит савдосини таъминлашда муҳим рол ўйнамоқда. Хусусан, ўзаро савдо айланмаси таҳлил қилинганда, Россия ва Марказий Осиё ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик уруш бошланганидан бери тезлашганини кўрсатади. 2023 йилнинг ўзида умумий савдо айланмаси тахминан 44 млрд долларга етди, бу эса Россияга Марказий Осиёнинг умумий товар айирбошлаш ҳажмининг **1/3 қисмини** эгаллаш имконини берди. Бундан ташқари, ўзаро ҳисоб-китобларда миллий валюталардан фойдаланишнинг сезиларли даражада ошишига сабаб бўлди. Россия билан амалга оширилган савдо операцияларининг **50 фоиздан** ортиғи миллий валюталарда ҳисоб-китоб қилинди[4].

Расмий Москва Марказий Осиё давлатларининг бошқа минтақа давлатлари билан самарали иқтисодий алоқаларини қўллаб-қувватлаб, Ғарб санкцияларидан қочишга ҳаракат қилмоқда. Бу эса Европа давлатлари ва, ўз навбатида, Россия билан минтақавий экспортнинг сезиларли даражада ўсишига олиб келмоқда. Хусусан, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг Германиядан автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар экспортида улкан ўсиш кузатилди, бу кўрсаткич мос равишда **5400** ва **720** фоизга етди[5]. Шу билан бирга, Россия Марказий Осиё орқали янги савдо йўлларини яратишга фаол интилаётгани кузатилмоқда, бу эса, ўз навбатида, санкцияларни четлаб ўтиш имкониятини беради.

Минтақа ҳудуди орқали бир нечта халқаро транспорт йўлаклари ўтади, жумладан:

- **Марказий Евроосиё йўлаги** (Хитой-ЕОИИ-Европа);

-**“Европа-Кавказ-Осиё”** (ТРАСЕКА) йўлаги, 1993 йилда Европа Иттифоқи ташаббуси билан ишга туширилган;

- **“Шимол-Жануб”** (Россия-Эрон-Ҳиндистон) йўлагининг Шарқий маршрути;

-Транскаспий халқаро транспорт йўлаги. Юқоридагилардан **Жанубий коридор** ёки **Шимол-Жануб** халқаро транспорт коридори Қирғизистон ва Ўзбекистонга катта иқтисодий афзалликлар беради. Ушбу лойиҳа, айниқса, Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб, у мамлакатнинг денгизга чиқиш муаммосини ҳал этишда муҳим рол ўйнаши мумкин. Мазкур йўлак Россия

---

[2] Вардомский Л., Головин В., Головина Е. Центральная Азия в меняющейся системе международных отношений // Мир перемен. 2024. №1. С. 68-85.

[3] 2 Документы, подписанные в ходе официального визита Президента Российской Федерации В.В.Путина в Республику Казахстан. Сайт Президента России. 9 ноября 2023 г. http://kremlin.ru/supplement/6044

[4] 4 Russia and Central Asia reach total volume $44bn trade turnover in 2024. Daryo.uz. May 17, 2024. https://daryo.uz/en/2024/05/17/russia-and-central-asia-reach-total-volume-44bn-trade-turnover-in-2024

[5] 2 M. F. Oztarsu. Central Asia: A Lucrative Back Door to Russia. January 2, 2024. https://cepa.org/article/centralasia-a-lucrative-back-door-to-russia/

юкларини Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё давлатларига экспорт қилишда ҳам стратегик аҳамият касб этмоқда. Унинг Шарқий тармоғи Россиядан Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон орқали Эрон темир йўл тармоғига чиқишни кўзда тутади. Бундан ташқари, **Шимол-Жануб йўлагининг** денгиз йўналишидан фаолроқ фойдаланиш Россия учун муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда 2024 йил апрель ойида Туркманбоши (Туркманистон) — Оля (Россия) паром йўлаги қайта ишга туширилди[6].

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ҳам Россия-Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги асосий йўналишлардан бири сифатида тахмин қилинмоқда. Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон томонидан тузилган уч томонлама шартнома доирасида **2023 йил ноябрь** ойидан бошлаб ушбу уч давлат раҳбарлари томонидан Россия газини Ўзбекистонга етказиб бериш бўйича келишиб олинди. Бунда Қозоғистон Ўзбекистонга ҳар йили 1,5 млрддан 10 млрд куб метргача Россия газини транзит қилишга тайёрлигини маълум қилган. 2024 йил март ойида Қозоғистон мажлиси Россиядан Хитойга нефть транзити бўйича келишув муддатини 2033 йилгача узайтириш тўғрисидаги қонунни қабул қилди, бу ҳужжат йилига **10 млн тоннагача** нефть етказиб беришни кўзда тутади. 2023 йилда **“Марказий Осиё-Москва”** қувури орқали Россия газининг Қозоғистон орқали Ўзбекистонга транзити (йилига 3 млрд куб метргача) амалга оширила бошланди. Россия томони Каспий қувур консорциуми доирасида Қозоғистон нефти транзитини ўз ҳудуди орқали сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон бозорида кўплаб йирик россиялик энергетика компаниялари узоқ вақтдан бери самарали фаолият юритиб келмоқда. **Лукойл** компанияси Кандим ва Ғиссор конларини ўзлаштиришда иштирок этмоқда, шунингдек, Бухоро вилоятида газни қайта ишлаш мажмуасини қуришда кўмак бермоқда. **Татнефть ва Зарубежнефть** эса нефть-кимё қайта ишлаш, ёқилғи етказиб бериш, технологик модернизация ва нефть конларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан шуғулланмоқда. Ўзбекистонда уч мингдан ортиқ Россия иштирокидаги корхона фаолият юритмоқда. Умумий ҳисобда, Россиянинг Ўзбекистонга капитал қўйилмалари 13 млрд доллардан ошиб кетган. Шу билан бирга, 47 жами **28 млрд долларлик** 100 га яқин қўшма иқтисодий лойиҳа муҳокама қилинмоқда ёки амалга оширишнинг бошланғич босқичида турибди.

Бундан ташқари, минтақа ички бозорида қайта тикланадиган энергия манбалари ва атом энергетикасининг улуши ошиб бормоқда, бу жараёнда Россия фаол иштирок этмоқда. Хусусан, яқин келажакда **“Росатом”** томонидан Ўзбекистонда янги **атом электр станцияси** (АЭС) қурилиши бошланиши кутилмоқда. Россия ва Ўзбекистон ўртасида 2017 йилда имзоланган тинч мақсадларда атом энергиясидан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, 2028 йилга келиб Ўзбекистон ҳудудида иккита энергоблокли, ҳар бири 1200 МВт қувватга эга бўлган **3+ авлод атом электр станцияси** қуриш режалаштирилган.

Шунингдек, Украинадаги уруш бошланганидан сўнг Россия иқтисодиёти учун ишчи кучига талаб ошиб борди. Маълумки, Марказий Осиёлик меҳнат мигрантлари урушдан олдинги даврда ҳам Россия меҳнат бозорининг катта қисмини ташкил этар эди. БМТ баҳоларига кўра, Россияда **11,6 млн** меҳнат мигранти мавжуд бўлиб, бу мамлакат аҳолисининг **7,9 фоизини** ташкил этади[7]. Россияга хорижий меҳнат ресурслари, асосан, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистондан келади, улар Россияга кирувчи меҳнат муҳожирларининг тахминан **90 фоизини** ташкил этади. Бироқ 2022-2023 йилларда Россияда ишчи кучи танқислиги кескин ошди ва **4,8 млн кишини** ташкил этди. Геосиёсий кескинлик ва Ғарб санкциялари шароитида Россиядан хорижга, шу жумладан, Марказий Осиё давлатларига малакали ишчи кучининг эмиграцияси кучайди. Шунингдек, рублнинг қадрсизланиши, Россия Федерациясининг миграция қонунчилиги кучайтирилиши, Марказий Осиё давлатларида миграциянинг муқобил йўналишлари шаклланиши каби омиллар туфайли Россияга меҳнат мигрантлари оқими камаймоқда. Бундан ташқари, 2024 йил март ойида

[6] Винокуров Е., Ахунбаев А., Забоев А., Усманов Н. Международный транспортный коридор «Север — Юг»: инвестиционные решения и мягкая инфраструктура. Доклады и рабочие документы 22/2. – Алматы, Москва: Евразийский банк развития. 2022. С. 15.

[7] 2 World Migration Report 2022. Geneva // International Organization for Migration. P. 202.

Москвада содир этилган теракдан сўнг, Россияда миграция сиёсати янада кучайтирилди, бу эса Марказий Осиё давлатларидан ишчи кучи оқимининг янада секинлашишига олиб келди.

Хавфсизлик кенгашлари аппарати, ҳуқуқ-тартибот органлари ва махсус хизматлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, Украинадаги уруш бошланганидан сўнг, Марказий Осиё беш давлатининг ҳар бири ва Россия ўртасидаги муносабатларда ўзига хос тенденциялар кузатилмоқда. Хусусан, **Қозоғистон** Россия ва Ғарб ўртасидаги дипломатик мувозанатни ушлаб туришга ҳаракат қилмоқда. Расмий Астана Россияга яқинлиги ва унга боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда Ғарбга яқинлашишга интилмоқда. Бу жараён 2022 йил ноябрь ойининг охирида Қ.Тоқаевнинг Россияда В.Путин билан учрашувидан сўнг дарҳол Францияда Э.Макрон билан учрашувида яққол намоён бўлди. Қозоғистон Россиянинг Украинага босқинига очиқ эътироз билдирган давлатлардан бири бўлиб, Санкт-Петербургда В.Путин билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида Россия назорати остидаги Украина ҳудудларини тан олмаслигини маълум қилди. Қ.Тоқаевнинг баёнотидан сўнг, Россия Қозоғистонга босим ўтказа бошлади. 2022 йил 5 июлда Россия суди **Каспий қувур консорциуми** (CPC) атроф-муҳит қоидаларини бузганликда айбланганини ва уни бир ойга ёпишга қарор қилганини эълон қилди[8]. Бу ҳолат яна бир бор Кремлнинг Марказий Осиё давлатлари устидан ҳали ҳам таъсири борлигини кўрсатади. Россиядан бўлаётган босимларга қарамай, Қозоғистон Ғарб етакчилари билан учрашувларни давом эттириб, Украинадаги урушдан норозилигини ва Европа Иттифоқини қўллаб-қувватлашини таъкидлаб келмоқда.

Туркманистон Украина конфликти бошланганидан бери Москва билан яқин алоқаларга киришганини кўриш мумкин. Президент С.Бердимуҳамедов ҳокимият тепасига келганидан кўп ўтмай Москвада В.Путин билан расмий учрашув ўтказди. Учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар соҳаларда, шунингдек, хавфсизлик, жумладан, биологик ва ахборот хавфсизлиги соҳаларида ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган **15 та ҳужжат** имзоланди. 2022 йилда икки давлат ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми ҳам **45 фоизга** ўсди[9].

Бундан ташқари, Туркманистон БМТнинг **“Украинага нисбатан тажовуз”** резолюцияси бўйича овоз бериш жараёнида бетараф қолди ҳамда 2023 йил 7 апрелда Россияни БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашидан чиқариш бўйича овоз беришда қатнашмади[10].

Россия учун ҳам Туркманистон Жанубий Осиё энергетика бозори, хусусан, Ҳиндистон ва Покистонга киришда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Хусусан, охирги пайтларда Россиянинг **ТАПИ** (Туркманистон-Афғонистон-Покистон-Ҳиндистон) қувур лойиҳасига қўшилиши ҳақидаги музокаралар фаоллашди[11]. Ғарб санкциялари ва Европанинг Россия газига қўйган эмбаргоси рус иқтисодиётига жиддий зарба берган ҳолда, Ҳиндистон ва Покистоннинг ўсиб бораётган энергетика бозорларига кириш Кремль учун жуда зарур ҳисобланади.

Россиянинг Марказий Осиё бўйича сиёсатига таъсир этувчи омиллар

Замонавий халқаро муносабатларда Марказий Осиё давлатлари Россия ва бошқа йирик давлатлар (АҚШ, Хитой) ташқи сиёсат стратегиялари рақобати таъсирида қолмоқда. Мазкур стратегиялар Афғонистондаги вазият, Украинадаги уруш оқибатлари, Хитойнинг ташқи фаоллашуви каби геосиёсий омиллар, шунингдек, минтақанинг энергия ресурслари, миграция оқими, терроризми билан кураш каби иқтисодий ва ҳарбий омиллар натижасида шаклланган.

Сиёсий ва дипломатия таъсири. Россия ўзининг икки томонлама ва кўп томонлама форматларини ривожлантирмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ва Россия қатор келишувлар билан тасдиқланган “иттифоқчилик”, стратегик шерикчилик муносабатларга эга ҳисобланади. 2024 йил май ойидаги ташриф давомида Россия Федерациясининг 18 та ҳудуди раҳбарлари иштирокида Минтақалараро Совет Россияси-Ўзбекистон учрашуви бўлиб ўтди[12]. Мазкур учрашувда **2030**

[8] Almaz Kumenov, Russia Blocks Kazakhstan’s Main Outlet for Oil Exports, Eurasianet, July 6, 2022.
[9] 3 Заявления для прессы по итогам Российско-Туркменистанских Переговоров, Kremlin.ru, June 10, 2022.
[10] 4 В Москве Состоялись Туркмено-Российские Переговоры На Высшем Уровне, mea.gov.tm, 2022.
[11] Russia Hints Headway in Tapi Gas Pipeline Project...,” ETEnergyworld.com, January 20, 2023.
[12] 2 Владимир Кулагин. “О чем шла речь во время визита Путина в Узбекистан.” Ведомости, 27 May 2024, www.vedomosti.ru/politics/articles/2024/05/28/1039840-o-chem-shla-rech-vo-vremya-vizita-putina-vuzbekistan.

йилгача товар айирбошлашни икки баравар ошириш (30 млрд долларгача) бўйича ишчи гуруҳ тузишга қарор қилинди.

Россия, аксинча, тарихан Ўзбекистоннинг Марказий Осиё сиёсатига чуқурроқ таъсирини сақлаб келмоқда. 2017 йилда қурол-яроғ етказиб бериш, техникага хизмат кўрсатиш ва бошқа кафолатлар билан ҳарбий ҳамкорлик тўғрисидаги янги шартнома имзоланди. 2025 йил январь ойида Россия ва Ўзбекистон 2026-2030 йилларга мўлжалланган **“ҳарбий стратегик шериклик”** дастурини (2025 йилда 50 та қўшма тадбир) тасдиқлади[13], бу билан Москва мудофаа алоқаларини чуқурлаштиришга тайёрлигини маълум қилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон КХШТ ва ЕОИИ ташкилотларига аъзолик йўлини тутмаган ҳолда анъанавий равишда мувозанатни сақлашга ҳаракат қилмоқда.

Иқтисодий омиллар. Марказий Осиё давлатларининг Россия билан савдо-иқтисодий алоқалари анъанавий равишда кучли ҳисобланиб келган. Эксперт Ф.Талиповнинг баҳолашича, Россия Ўзбекистоннинг икки етакчи ташқи савдо ҳамкорларидан бири (Хитой билан бир қаторда) бўлиб, савдо ҳажми бўйича мунтазам равишда 1-2 ўринларни эгаллаб келмоқда. Россиянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоялари юқори даражада ҳисобланади. Бу энергетика соҳасида ҳам намоён бўлмоқда. Хусусан, 2024 йилги Санкт-Петербург иқтисодий форуми якунлари бўйича **“Газпром”** Россия газини Ўзбекистонга (Қозоғистон ҳудуди орқали) транзит қилиш бўйича узоқ муддатли шартномалар тузди. Келгуси йилларда йилига 12 млрд куб метргача газ экспорт қилиш режалаштирилган бўлиб, 2023 йил октябрь ойидан бошлаб Қозоғистон орқали газ тескари оқим билан ўта бошлади (2024 йил охиригача қарийб 3 млрд куб метр, 2026 йилдан 11 млрд куб метргача кўпайиш истиқболи билан)[14].

Ҳарбий-стратегик омиллар. Россия Марказий Осиёга ҳарбий ҳамкорликнинг турли форматларини таклиф этмоқда. Москва учун ушбу минтақа ўзининг **“жанубий қаноти”** хавфсизлигини таъминлашнинг анъанавий ҳудуди ҳисобланади. Тожикистонда Россиянинг 201-ҳарбий базаси (7000 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчи) жойлашган бўлиб, у Афғонистон билан чегарани муҳофаза қилишга хизмат қилади. Қирғизистонда эса Россиянинг **“Кант”** ҳаво базаси фаолият юритмоқда. Ўзбекистон мазкур ҳарбий иттифоқларда расман иштирок этмаса-да, Россия билан икки томонлама шаклда фаол ҳамкорлик қилмоқда. 2017 йилда Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги шартнома қурол-яроғ етказиб бериш ва ҳарбий техника яратишда ҳамкорликни назарда тутган. 2026-2030 йилларга мўлжалланган янги ҳарбий режа доирасида биргаликда бўлинмаларни тайёрлаш (фақат 2025 йилнинг ўзида 50 та қўшма тадбирлар) кўзда тутилмоқда[15].

Шу билан бирга, Россия Марказий Осиё мамлакатлари билан КХШТ қошидаги Терроризмга қарши кураши марказ орқали қўшма машқлар ўтказмоқда (2022 йил январь ойида КХШТнинг Россия контингенти Қозоғистондаги “тинчликпарвар” операциясига бошчилик қилди). Бироқ Ўзбекистон ҳозирча КХШТга қайта аъзо бўлгани йўқ. Таҳлилларга кўра, Тошкент КХШТ ва ЕОИИ билан фаолроқ ҳамкорликка тайёр эканини намоён этмоқда, аммо расмий аъзоликка шошилмаяпти. Бу эса Ўзбекистонга маневр қилиш имкониятини сақлаб қолиш ва бир томонга боғлиқликдан қочиш имконини беради.

Маданий-гуманитар омиллар. Россиянинг маданий ва тил билан боғлиқ алоқалар тарихан мустаҳкам ҳисобланади, рус тили узоқ вақт Марказий Осиёда расмий тил бўлган ва ҳозир ҳам таълим ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг тарқалган. Минтақада рус тилидаги бир неча олийгоҳлар фаолият юритмоқда, Россия маданият марказлари ва **“Рус уйлари”** (элчихоналар ва ҳудудий маъмуриятлар қошида) рус адабиёти ва санъатини оммалаштиришга хизмат қилмоқда. Россия оммавий ахборот воситалари (“Россия-24”, “НТВ-Plus”, “Маяк” радиоси, Sputnik агентлиги) Марказий Осиёда кенг тарқалган ва айниқса катта ёшлилар орасида катта аудиторияга эга.

Россия ташқи сиёсати қуйидаги йўналишларга қаратилади:

---

[13] 2 “Russia and Uzbekistan Sign Military Strategic Partnership Plan.” The Moscow Times, 22 Jan. 2025, www.themoscowtimes.com/2025/01/22/russia-and-uzbekistan-sign-military-strategic-partnership-plan-a87693.

[14] «Газпром» закрепился в Средней Азии. Коммерсантъ, 7 June 2024, www.kommersant.ru/doc/6759941

[15] 1 “Russia and Uzbekistan Sign Military Strategic Partnership Plan.” The Moscow Times, 22 Jan. 2025, www.themoscowtimes.com/2025/01/22/russia-and-uzbekistan-sign-military-strategic-partnership-plan-a87693.

• **ҳарбий-стратегик иттифоқларни** мустаҳкамлаш (МДҲ, КХШТ, ШҲТ);

• **иқтисодий алоқаларни** қўллаб-қувватлаш (Евроосиё иқтисодий иттифоқи, эркин савдо ҳудудлари);

•**маданий-цивилизацион** бирликни сақлаш (рус маданияти ва православликни тарғиб қилиш).

Россия санкциялар ва изоляция шароитида ўзининг анъанавий позицияларини мустаҳкамлашга интилаётган ҳолда, айниқса, энергетика ва мудофаа соҳаларида, кенг кўламли келишувлар ва **“минтақавий дипломатия”** орқали таъсирини сақлашга ҳаракат қилмоқда.

Марказий Осиё бўйича Россия сиёсатининг истиқболлари

Украинадаги уруш фонида Россиянинг Марказий Осиёга нисбатан хомашё захираси, транзит йўли ҳамда санкциялардан четлаб ўтиш воситаси сифатида қараши, халқаро майдонда Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамиятини ошириб юборди. Шунга қарамай, санкциялар фонида кутилмаганда минтақада Россия билан савдо айланмаси кескин ошди. Европа Иттифоқининг Россияга экспортлари қисқаргани сабабли, уларнинг катта қисми Марказий Осиё ва Кавказ орқали қайта йўналтирилди. Хусусан, америкалик экспертлар фикрига кўра, 2022 йили Россияга Қозоғистон экспорти **30 фоизга**, Ўзбекистонники **50 фоизга** ва Арманистон экспорти **193 фоизга** ошгани қайд этилган[16].

Шу билан бирга, россиялик тадбиркорлар ва сармояларнинг оммавий равишда Марказий Осиёга кўчиб келиши кузатилди. 2022 йилда мобилизация ва санкциялардан қочган минглаб рус фуқаролари Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонга келиб жойлашди. Натижада, баъзи давлатларда миллий валюталар мустаҳкамланди. Хусусан, Тожикистон сомонийси 2023 йилда дунёнинг энг барқарор валюталари бўлди. Ўзбекистон ҳам Россиядан келган валюта оқими ҳисобига 2023 йил биринчи ярмида рекорд даражадаги **6,5 млрд доллар** пул ўтказмаларини қабул қилди, бу ўтган йилга нисбатан икки баравар кўп ҳисобланади[17]. Бу Россиядаги меҳнат мигрантлари ўз маблағларини ва активларини шошилинч равишда ўз давлатига қайтаришга уринган билан боғлиқ бўлди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, бундай тез суръатда ўсган пул ўтказмалари келгуси йилларда пасайиши мумкинлиги таъкидланган, жумладан, 2024-2025 йилларда Ўзбекистонга расмий пул ўтказмалари ҳажми **21 фоизга** тушиши прогноз қилинган[18].

Таъкидлаш жоизки, Россия иқтисодиёти рецессияга юз тутаётганлиги ва меҳнат бозори қисқараётганлиги Марказий Осиё учун хавф туғдирмоқда. Миллионлаб фуқаролари меҳнат мигранти бўлган Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон учун Россияда иш ўринлари қисқариши катта ижтимоий-иқтисодий муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

Шунга қарамай, Марказий Осиё давлатлари Россияга ортиқча боғлиқликни камайтириш учун ташқи савдони диверсификация қилиш, Хитой, Туркия, Европа Иттифоқи ва АҚШ билан янги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш каби чоралар кўрмоқда. Бунда Россия билан амалий ҳамкорлик ҳам давом эттирган ҳолда минтақанинг йирик банклари Ғарб санкциясига учраган россиялик банклар билан операцияларни тўхтатиб, глобал молия тизимидан узилиб қолмасликка ҳаракат қилмоқда. Хусусан, Қозоғистон, Ўзбекистон ва бошқа қатор давлатларда Россиянинг SWIFTдан узилган банклари билан корреспондентлик алоқалари зудлик билан тўхтатилди[19]. Шу орқали улар Россия билан савдони сақлаган ҳолда, халқаро молия тизимидаги ўрнини хавф остига қўймасликка интилишмоқда.

Шунингдек, Россия ҳам ҳарбий-стратегик, иқтисодий таъсир орқали минтақадаги ролини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Маълумки, Россия Марказий Осиёни анъанавий **“таъсир доираси”** деб ҳисоблаб, бу ерда узоқ муддатли ҳарбий мавжудликка эга. Хусусан, Россия

[16] Ex-Soviet economies boosted by Russia trade. Research Briefing|Global. Oxford Economics. 17 June 2024. https://www.oxfordeconomics.com/wp-content/uploads/2024/06/20240617-RB-Trade-Rerouting-ex-USSR.pdf

[17] Ex-Soviet economies boosted by Russia trade. Research Briefing|Global. Oxford Economics. 17 June 2024. https://www.oxfordeconomics.com/wp-content/uploads/2024/06/20240617-RB-Trade-Rerouting-ex-USSR.pdf

[18] Ўша ерда.

[19] 3 M.Hess. The Impact of Russia Sanctions on Central Asia. Foreign Policy Research institute. December 16, 2024. https://www.fpri.org/article/2024/12/the-impact-of-russia-sanctions-on-central-asia/

Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонни бирлаштирувчи ҳарбий-сиёсий иттифоқ КХШТнинг етакчиси ҳисобланади. Ташкилот доирасида Россия минтақада қўшма ҳарбий машқлар ўтказади, штаблар ўртасида мувофиқлашув олиб боради. Россиянинг Марказий Осиёда бир неча доимий ҳарбий базалари мавжуд. Шунингдек, Тожикистондаги афғон чегарасини муҳофаза қилишда россиялик инструкторлар ва техник мутахассислар ёрдам беради. 2022 йил сентябрда Тожикистон-Туркманистон чегараси яқинида **“Покиш2022”** деб номланган КХШТ қўшма машғулоти ўтказилиб, у ерда Афғонистондан террорчилар ҳужумини қайтариш ссенарияси ишлаб чиқилди. Шу тариқа, Россия ўзини минтақа хавфсизлигининг кафолатчиси сифатида кўрсатишга уринмоқда. Бундан ташқари, Россия Марказий Осиё давлатларини қурол-яроғ билан таъминлаш бўйича асосий шерик ҳисобланади. Минтақа армияларининг аксар қуроллари совет ва Россия компаниялари маҳсулоти бўлиб, уларни модернизация қилиш ёки янгилашда Москва марказий ўринда туради.

Бироқ, 2022 йилда Украина уруши бошланганидан сўнг, Россиянинг Марказий Осиёдаги ҳарбий эътибори бироз сустлашгани кузатилди. Расмий Москва ўз қўшинлари ва ресурсларини кўпроқ Украина фронтига сафарбар қилди. Хусусан, Тожикистондаги 201-база шахсий таркибининг бир қисми Украинага юборилган, Душанбе эса Москвадан урушга сафарбар қилинган аскарлар ўрнини тўлдиришни сўраган. Россия раҳбарияти минтақадаги хавфсизлик ролини камайишини олдини олиш мақсадида **2022 йил кузида** Россия КХШТни яна фаоллаштиришга киришди, бунда Арманистон, Қирғизистон ва Беларусда қатор ҳарбий машқлар ташкиллаштирилди. Шунингдек, Россия ШҲТ доирасида Хитой билан биргаликда ҳарбий ҳамкорлик орқали ўз мавжудлигини кўрсатишга интилмоқда. Жумладан, 2021 йилда **“Мирная миссия”** ҳарбий машқи Қўқон полигонида ўтказилиб, унда Россия, Хитой, Ўзбекистон ва бошқалар иштирок этди[20]. Россия бундай қўшма тадбирларда ўзининг етакчи ҳарбий куч эканини намоён қилишга, техник ва ғоявий устунлигини кўрсатишга ҳаракат қилмоқда.

Шунингдек, Россия Марказий Осиё иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. 2024 йил ҳолатига кўра, Марказий Осиёнинг жами ташқи савдо айланмаси ҳажмининг **учдан бир қисми** Россия ҳиссасига тўғри келади[21]. Бу улуш Қирғизистон ва Тожикистон учун, айниқса, катта ҳисобланиб, икки давлат экспорт-импортининг тахминан **ярмидан кўпи** Россия билан амалга ошади. Ўзбекистон учун ҳам Россия 2023 йилда Хитойдан кейин 2-ўриндаги савдо ҳамкор эди (2,5 млрд доллардан ортиқ экспорт, 5 млрд доллар импорт). Қозоғистон Россия билан 2022–2023 йилларда рекорд даражадаги савдо кўрсаткичларига эришди (йилига 26–27 млрд доллар). Россия санкциялар сабаб Европадан узилган товар ва капитал оқимини Марказий Осиё орқали йўналтиришга уринмоқда, бу эса айрим давлатлар (масалан, Арманистон, Қирғизистон) иқтисодиётига қисқа муддатда ижобий таъсир қилди. Россия ҳозирги кунда Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро ҳисоб-китобларда миллий валюталардан фойдаланишни фаол қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, 2023 йилда Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг Россия билан савдосида миллий валюталар улуши **50 фоиздан** ошгани айтилмоқда[22].

Минтақанинг энергетика ва транспорт коммуникациялари ҳам Россия билан боғлиқ. Қозоғистон нефтини Европа бозорига олиб чиқадиган асосий **Қозоғистон-Россия нефть қувури** Россия ҳудудидан ўтиб, Новороссийск портига етади. 2022 йилда газ бўйича Россиянинг “Газпром” компанияси Қозоғистон ва Ўзбекистон билан умумий **“газ иттифоқи”** тузиш таклифини илгари сурди. Амалда эса 2023 йилдан Россия Қозоғистондан ўтадиган тармоқ орқали Ўзбекистонга қиш ойларида газ экспорт қила бошлади. Бу Марказий Осиё энергия бозорининг Россияга яна боғланиб бораётганидан далолат беради.

[20] E.Gusseinov and S.Allayarov. Beyond Western Narratives: Unpacking Russia’s Strategic Role in Central Asia. Geopolitical Monitor. January 15, 2025. https://geopoliticalmonitor.com/beyond-western-narratives-unpackingrussias-strategic-role-in-central-asia/

[21] K.Mallinson. Russia’s influence in Kazakhstan is increasing despite the war in Ukraine. Chatham House. 29 FEBRUARY 2024. https://www.chathamhouse.org/2024/02/russias-influence-kazakhstan-increasing-despitewar-ukraine

[22] Russia and Central Asia reach total volume $44bn trade turnover in 2024. Daryo.uz. May 17, 2024. https://daryo.uz/en/2024/05/17/russia-and-central-asia-reach-total-volume-44bn-trade-turnover-in-2024

Ўзбекистон миллий манфаатлари кесимида Марказий Осиёда Россия иштирокининг баҳоси

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати миллий манфаатларга асосланган ҳолда очиқ, ўзаро фойдали ва конструктив йўлдан бориши билан характерланади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсат концепциясида давлат суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ўрнини юксалтириш ва атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳитини шакллантиришдан иборат мақсад ва вазифалар белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, ҳудудига хорижий ҳарбий базаларни жойлаштирмаслик ҳамда қуролли можароларда иштирок этмаслик сиёсатига амал қилади.

Мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор тараққиёт ҳудудига айлантириш, АҚШ, Россия, Хитой, Европа Иттифоқи каби йирик давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан мувозанатли стратегик шерикликни ривожлантириш вазифалари белгилаб олинган[23]. Ўзбекистон бугунги кунда ҳеч бир йирик давлатга ён бермасдан, кўп векторли дипломатия юритиб, ҳеч қандай геосиёсий блокка қўшилмасликка ҳаракат қилмоқда. Иқтисодий дипломатия ҳам ташқи сиёсатнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у савдо алоқаларини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва мамлакатни минтақавий транспорт-логистика марказига айлантиришни кўзлайди.

Юқорида таъкидланган Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти бўйича ҳамда Марказий Осиёдаги тенденциялардан келиб чиққан ҳолда РФнинг геосиёсий манфаатларининг минтақа давлатлари хавфсизлигига бир қатор йўналишларда таъсир этиши тадқиқ қилинди ва баҳоланди.

Биринчидан, буюк давлатлар томонидан хусусан Россия томонидан Марказий Осиё давлатларига, шу жумладан, Ўзбекистонга сиёсий босимнинг кучайиши кузатилмоқда. Марказий Осиё давлатлари Украинадаги вазият бўйича нейтрал позицияда бўлишсада, уларнинг тарихан савдо-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий жиҳатдан РФ билан яқин алоқаларда бўлиши АҚШ ва ЕИ томонидан **“таҳликали”** сигнал сифатида қабул қилинмоқда. Чунки, Россияни максимал даражада изоляция қилиш ва халқаро алоқаларини чеклаш орқали унинг стратегик аҳамиятга эга бўлган ресурсларга бўлган эҳтиёжининг қондирилмаслиги мақсад қилинган. Шу сабабли ҳам, минтақа мамлакатлари Москва билан яқин алоқадаги сабабли ташқи сиёсий босим ортиши мумкин.

Иккинчидан, ядро энергетикаси учун зарур бўлган хомашё ва технологиялар юзасидан рақобатнинг ортиши ҳам кузатилиши мумкин. Таъкидлаб ўтиш лозимки, 2022 йил бошида ушбу қимматбаҳо металл нархи **43-46 долларни** ташкил этган бўлса, 2024 йил бошида **105 доллардан** сотилган. Жаҳон уран захираларининг 15 фоизи Қозоғистонга (907 минг т) ва **2 фоиз** Ўзбекистонга (132 минг т) тўғри келади. Шундай бўлсада, 2023 йилда Остона 22 минг т (дунё ишлаб чиқаришининг 45 фоиз) уран экспорт қилиб, жаҳонда **1-ўринни**, Ўзбекистон эса 3500 т (7 фоиз) билан **5-ўринни** эгаллаган. Уран экспортчилари топ-10 талик рўйхатига кирувчи давлатларга ишлаб чиқаришнинг 99 фоизга тўғри келади. Шу сабабли ҳам яқин келажакда радиоактив моддалар бозорида катта рақобат юзага келиши ва ушбу стратегик хом ашёни етказиб берувчи давлатларга нисбатан, шу жумладан, Ўзбекистон ва Қозоғистонга сиёсий босимнинг ортишини прогноз қилиш мумкин.

Учинчидан, глобал қуролланиш сиёсатининг Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигига салбий таъсири ҳам кузатилиши мумкин. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, халқаро миқиёсда давлатлар ўз ҳарбий потенциалини кучайтириш ва янада кўпроқ қурол сотиб олиш сиёсатини олиб боришмоқда. Бундай ҳолат минтақа давлатларида ҳам кузатилмоқда. Хусусан, Қозоғистон 2022 йил январь ойларидаги оммавий тартибсизликлар ва Украина инқирози фонида ўз ҳарбий қудратини кучайтирмоқда. Молия вазирлигининг маълумотларига кўра, мамлакат ҳарбий бюджети 2021 йида **774 млрд тенгени** (1,8 млрд доллар) ташқил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич

[23] The Multidimensional Foreign Policy of New Uzbekistan. Institute for strategic and regional studies under the president of the Republic of Uzbekistan. 20.12.2024. https://isrs.uz/en/maqolalar/the-multidimensional-foreignpolicy-of-new-uzbekistan

2024 йилда **68 фоиз** ўсиб, 1,3 трлн тенгени (2,7 млрд доллар) ташкил қилган. Шундай бўлсада, ҳарбий харажатлар ЯИМ нисбатида 1 фоиздан ортмаган.

ЯИМга нисбатан ҳарбий соҳага энг кўп молиявий ресурсларни ажратаётган минтақа давлати Қирғизистон ҳисобланиб, унинг 2023 йилдаги ҳарбий бюджети **32 фоизга** ошган ва 464,6 млн долларни (2022 йилда 352 млн доллар) ташқил қилган. Ушбу кўрсаткич Қирғизистон ЯИМнинг 3,4 фоизни ташкил этган. Душанбе эса 2025 йилги ҳарбий бюджетига **4,7 млрд сомини** (446 млн доллар, ЯИМнинг 2,8 фоиз) ажратишни режалаштирган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2024 йилда **3,7 млрд сомини** (354 млн доллар, ЯИМнинг 2,6 фоиз) бўлган.

Шунингдек, ушбу вазият минтақадаги турли латент ҳолатдаги таҳдидларнинг (терроризм, экстермизм, сепаратизм, деструктив сиёсий оппозиция, баҳсли чегаралар ва анклавлар, уюшган жиноятчилик, этник гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар, сув ресурслари борасидаги баҳслар ва бошқалар) кескинлашувига олиб келиши мумкин.

Россиянинг минтақадаги замонавий ташқи сиёсатини **PEST** доирасида таҳлил қилган ҳолда Марказий Осиё мамлакатларига таъсир этувчи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик омилларни кўриб чиқиш мумкин.

Сиёсий омиллар (Political). Маълумки, Россия ўзини Марказий Осиёдаги асосий сиёсий таъсирга эга куч сифатида кўради. Кремль учун минтақа мамлакатлари ташқи сиёсатда кўп векторли йўл тутишига қарамасдан, стратегик жиҳатдан Россия манфаатларига қарши қарорлар қабул қилмаслиги жуда муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда Россия президентлар даражасида доимий учрашувлар, иттифоқчиликка даъват этувчи баёнотлар ва баъзан юмшоқ босим каби турли сиёсий воситалардан фойдаланади. Россия Украинага бостириб кирганидан сўнг геосиёсий мавқеи заифлашгани сабабли Марказий Осиёдаги давлатларга янада кўпроқ аҳамият бермоқда. Хусусан, 2022 йил давомида В.Путин Марказий Осиёнинг барча беш давлатига сафар қилди[24], бу ҳеч қачон кузатилмаган фаол дипломатик қадам ҳисобланади.

Иқтисодий омиллар (Economic). Россия Марказий Осиё мамлакатларининг энг йирик иқтисодий ҳамкорларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон учун ҳам Россия ташқи савдода етакчи ўринларни эгаллайди, кўмир-нефть маҳсулотлари импорти, ўзбек газини сотиб олиш, саноат кооперацияси каби соҳаларда алоқалар кенг. ЕОИИ Россиянинг минтақага иқтисодий таъсирини институционаллаштирувчи асосий тузилма бўлиб, расмий Тошкент ҳозирча ушбу ташкилотда кузатувчи мақомига эга.

Бундан ташқари, 2022-2023 йилларда Россияга қўшни давлатлардан маҳсулот экспорт ҳажми кескин ошди, жумладан, Қозоғистон экспорти **30 фоизга**, Тожикистонники қарийб **52 фоизга** ўсди, Ўзбекистонда ҳам маълум даражада ўсиш кузатилди[25].

Шу билан бирга, Россиядан Марказий Осиёга пул жараёни ҳам ортди, уруш ва сафарбарликдан қочиб келган минглаб россияликлар ўз капиталларини Марказий Осиёга олиб киришди. Масалан, Тошкентда 2022 йил охиридан бошлаб россиялик тадбиркорлар очган компаниялар сони кескин кўпайди, кўчмас мулк бозори фаоллашди. Бу Ўзбекистон учун қисман имконият (капитал ва кадрларни жалб этиш) бўлса, қисман хавф ҳам ҳисобланади, чунки бундай ҳолат Россиянинг ноқонуний молиявий операциялари майдонига айланиши хавфини келтириб чиқаради.

Ижтимоий омиллар (Social). Россиянинг Ўзбекистон ва минтақадаги ижтимоий таъсири узоқ йиллик тарихий алоқаларга бориб тақалади. Биринчи навбатда, рус тили Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳали ҳам кенг коммуникация воситаси бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон таълим тизимида рус сектори мавжуд, минтақа давлатларида Россия олийгоҳларининг филиаллари (МГУ, Плеханов университети ва бошқалар) очилган, бу Москвага маданий дипломатия юритиш имконини беради. Кремль томонидан асос солинган **“Русский мир”** фонди ва Россия маданият марказлари Ўзбекистонда рус тили ва маданиятини тарғиб қилиш билан шуғулланади. Ижтимоий омиллар қаторига мигрантларнинг ижтимоий ҳолати ҳам киради.

[24] 1 J.B.Murtazashvili and T.Umarov. Nobody’s Backyard: A Confident Central Asia. Carnegie Endowment for International Peace. September 5, 2024. https://carnegieendowment.org/research/2024/09/nobodys-backyard-aconfident-central-asia?lang=en

[25] Hess M. Russia and China in Central Asia: Potential for Direct Competition. FPRI, 2024.

Миллионлаб ўзбек мигрантлари Россия шаҳарларида меҳнат қилиши оқибатида Россиянинг меҳнат қонунчилиги, жамиятдаги ксенофобия ҳолатлари каби масалалар бевосита Ўзбекистонга таъсир қилади. Хусусан, Россияда мигрантларга қарши кайфият кучайганда, Ўзбекистонда ҳам уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи кўтарилиши мумкин, бу эса икки давлат ўртасидаги ижтимоий-сиёсий муаммога айланиши мумкин. Яна бир ижтимоий жиҳатлардан бири Россия оммавий ахборот воситаларининг тарғиботи ҳисобланади. Юқорида таъкидланганидек, Россия медиа тармоғи орқали тарқатиладиган маълумотлар Ўзбекистон аҳолисига ҳам маданий-маърифий, ҳам пропагандистик жиҳатдан таъсир ўтказади. Бундай ахборот хуружи жамият онгини шакллантиришда роли борлиги сабабли, Ўзбекистон ахборот сиёсатида маълумотлар фильтрацияси ва миллий контент улушини ошириш вазифасининг аҳамияти ошиб бормоқда.

Технологик омиллар (Technological). Россия Марказий Осиёда технология ва инфратузилма соҳаларида ўз иштироки орқали ҳам таъсир кучига эга. Биринчидан, Россия компанияси **“Росатом”** яқин келажакда Ўзбекистонда биринчи атом электростанциясини қуриш бўйича келишувга эришган. Агар лойиҳа амалга ошса, бу Ўзбекистон энергетика тармоғи учун улкан технологик ўзгариш бўлади, бироқ шу билан бирга Россияга стратегик боғлиқликни янада ошириши мумкин. Иккинчидан, Ўзбекистон Россиядан замонавий ҳарбий техника (қурол, ҳаво мудофаа тизимлари) сотиб олади, бунда техник хизмат кўрсатишда ҳам Москвага мурожаат қилишга тўғри келади. Учинчидан, Россиянинг **GLONASS навигация тизими** Марказий Осиёда ҳам қўлланилади, шунингдек, космос соҳасида ҳамкорлик қилишни (масалан, ерни масофадан ўлчаш спутниклари маълумотларини улашиш) таклиф этади.

Бундан ташқари, Россия автомобилсозлик, авиация ва темирйўл соҳаларида ўз техника ва стандартларини экспорт қилишга ҳаракат қилади. Ўзбекистонда Россия темир йўл компаниялари қатнашган тармоқ модернизацияси лойиҳалари бор. Технологик соҳада Россия билан ҳамкорликнинг имконияти сифатида саноатлашиш ва инфраструктурани яхшилашда кўмак олиш, хавфи сифатида эса фақат бир давлат технологияларига таяниб қолиб, бошқа илғор технологияларни четда қолдириш ва сиёсий босимга тушиб қолишни келтириш мумкин. Хусусан, атом станцияси қурилиши энергия муҳтожлигини бартараф этса-да, узоқ йилларга энергетика соҳасида Россияга боғлиқликни келтириб чиқариши мумкин.

Юқорида келтирилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, хавфсизлик таҳдидларига қарши кураш ва минтақадаги йирик акторлар таъсирини мувозанатлаштириш Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳаётий аҳамиятга эга. Марказий Осиё давлатларининг Россия билан конструктив ҳамкорликни юритиб, ташқи сиёсатда мултивектор ёндашувни сақлаш зарур ҳисобланади. Ўзбекистон минтақавий тинчлик ва тараққиётга ҳисса қўшиш учун Россия билан, шунингдек бошқа халқаро шериклар ҳисобланган ЕИ, Япония, Туркия, Ҳиндистон ва бошқалар билан ҳамкорликни ривожлантириб бориши керак. Зотан, Марказий Осиё геосиёсий ландшафтида кучлар ўйини давом этади, таҳдидлар ҳам ўзгариб бораверади. Фақат очиқлик, ҳамкорлик ва ички ислоҳотлар орқали Ўзбекистон ўз хавфсизлигини таъминлаши ва ҳар қандай таҳдидларни имкониятга айлантира олиши мумкин.